

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СИФАТИНИНГ БУЗИЛИШИНИ *MATLAB/SIMULINK* ДАСТУРИ ЁРДАМИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Қаршибаев Асқар Илашович.,**

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

“Электр энергитикаси” кафедраси профессор.,

[a\\_karshibaev@mail.ru](mailto:a_karshibaev@mail.ru)

**Бойназаров Гайрат Ғуламович.,**

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

“Электр энергетикаси” кафедраси докторант

[Gayrat.boynazarov.1983@gmail.com](mailto:Gayrat.boynazarov.1983@gmail.com)

**Эргашев Ёқубжон Ҳамро ўғли.,**

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

“Электр энергетикаси” кафедраси 2-боскич магистранти

[yoqubergashev0094@gmail.com](mailto:yoqubergashev0094@gmail.com)

**Аннотация:** Уибұ мақолада түрли юкламаларни эксплуатация қилиши орқали электр энергиясининг сифатини бузилишларини моделлаштириши ва симуляция қилишини кўриб чиқишига қаратилди. Электр энергиясини тақсимлашизимидағи сифат кўрсаткичини бўзилишини доимий мониторинг қилиши истемолчиларнинг учун муҳим масаладир. Сифатини бузилишларини мунтазам равишда таҳлили орқали тизимнинг ишишини яхшилаш мумкин. частотали ўзгартиргичлар, гармоникалар түрли электрон конверторларни кўллаши орқали пайдо бўлади. *Matlab/Simulink* дастури асосида олинган натижалар реал вақтдагига натижаларига жуда ўхшашининг олинган натижаларини тулқин шакиллари ишишини текшириши учун янги автоматик таснифлаш алгоритмларининг текшириши учун жавоб беради.

**Калит сўзлар:** электр энергиясининг сифатини бузилишларини моделлаштириши ва симуляция қилиши, ўзгартиргичлар.

**Abstract:** This article focuses on the modeling and simulation of electrical energy quality disturbances through the exploitation of various loadings. Constant monitoring of the breakdown of the quality indicator in the power distribution system is an important issue for istemolchilirning. It is possible to improve the performance of the system by regularly analyzing its quality disorders. Eesb frequency modifiers, harmonics arise by applying different electronic converters. The results obtained based on the Matlab/Simulink program are very similar to those of the real-time. It is suitable for checking the obtained results for the performance of amulet images of new automatic classification algorithms.

**Keywords:** modeling and simulation of electrical energy quality disorders (EESB), modifiers.

## КИРИШ.

Бизга маълумки электр таъминоти тизимида турли хилдаги бузилишлар, ҳар хил носозликлар, электр ускунасини динамик ишлаши ва ночизиқли юкламаларнинг кўпайиб кетиши электр энергиясининг сифат кўрсаткичларининг (ЭЭСК) бузилишини келтириб чиқаради. ЭЭСК атамаси аслида кучланиш ва ток сифатининг комбинатциясидир, бироқ электр таъминот тизимида фақат кучланиш сифатини бошқариши мумкинлиги сабабли таъминот кучланишнинг сифати билан боғлиқдир. Чунки токнинг сифати электр таъминоти тизимидан истемол қилаётган ҳақийқий юкламанинг истемол қиласидиган токига боғлиқ. ЭЭСК нинг муентазам равишда бузилишига асосий сабабчилар; кучланишни қиймати маълум даражада ўзгариши, турли хил носозликлар туфайли частотанинг қуввати ва сингални оғиши, ночизиқли юкламалар, оғир юкламалар коммутация қилиш, катта қувватли куч электроникали ўзгартиргичлар ва ҳакозолар юз берганда содир бўлади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

ЭЭСК бузилишлари электр тармоқларига, уларнинг истемолчиларига, корхоналарга (айниқса саноат истемолчилари ва электр жиҳозларини етказиб берувчиларга) катта микдорда молиявий зарар олиб келади. ЭЭСКБ билан боғлиқ бўлган муаммолар масалан носозликлар, қисқа муддат тухтаб қолишлар юкламалар учун заарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Илмий изланишлар ва тадқиқотлар ЭЭСКБ ўрганиш бўйича осцелограммалар, ҳодиса ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Энергия тизимида ЭЭСК бузилишларини моделлаштириш ёндашув энг кенг тарқалган тадқиқот усулларидан биридир[1,2]. Симуляция параметрларини ўзгартириш орқали турли хил сигнал кўринишдаги ва ЭЭСК бузилишларини яратади ва шунинг учун сифат кўрсаткичларининг бузилишларини (СКБ) аниқлаш ва таснифлаш алгоритмлари учун фойдали бўлиши мумкин[2].

Тарқатиш тизимининг моделлари реал вақт ёрдамида амалга оширилади ва СКБ таъсир қилувчи сигналлар кўринишлари математик модели ёрдами билан суний равишда олинади. Тенглама параметри тамонидан яратилган ЭЭСК бузилишлари жуда кўп авзаликларга эга бўлсада, реал вақт режимидағи бузилишлардан фойдаланиш кўринишини аниқлаш алгоритмларининг ҳақийқийлигини оқлаш учун жуда керак бўлади. Бироқ бир нечта тадқиқотчилар ЭЭСК бузилишларини автоматик равишда таснифлаш учун реал вақда симуляция моделларидан фойдаланганлар[3,5,6].

## МУХОКАМА.

Электр тармоғидаги турли ҳодисаларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун турли хил моделлаштириш воситалари мавжуд. Академик тадқиқотларда әнг күп ишлатиладиган воситалар бу PSCAD/EMTDC, ATP/EMTP ва MATLAB/Simulink бўлиб унда асосан **SimPowerSystem** блоклари тўпламига эга. Келтирилган (13-15) ишларда муаллифлар таснифлаш алгоритмларини синаб кўриш учун ҳақиқий сигналларни моделлаштириш учун PSCAD/EMTDC дастурларидан фойдаланганлар. (16-17) ишларида муаллифлар ЭЭСК бузилишларини моделлаштириш учун ATP/EMTP дастуридан фойдаланганлар. Бироқ бузилган сигналларни кейинчалик таҳлил қилиш учун маълумотларни MATLAB дастурига ўтказиш керак[7,8].

MATLAB/Simulink (18) ҳақиқий вақ тизимларни самарали моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун кичли симуляция воситаларидан биридир. **SimPowerSystem** инструментлар тўплами реал вақтда тарқатиш тизими модели учун ЭЭСК бузилишларини симуляция қилиш учун ишлатилади. Ушбу мақола электр энергиясини тақсимлаш тизимининг кенг қамровли, реал вақт моделини яратиш учун MATLAB/Simulink дан **SimPowerSystem** инструментлар тўпламидан фойдаланади. ЭЭСК даги шовқинлари, ҳар хил турдаги носозликлар, начизиқли юкламалар ва турли хил конденсаторли батарейаларни қўллаш натижасида ҳосил бўлади.

Одатда шовқинлар электр энергиянинг сифатининг тизим кучланиши ва частота таъминоти таъсири нуқтаи назардан таснифланади. Уларни кучланиш катталигидаги тебранишлари, частотани ўзгаришлари ва вақтинчалик ўткинчи жараёнига қараб кенг таснифланиши мумкин[1,8,9].

Кучланишнинг тушуви асосан ЭЭСК бузилишининг жуда куп тарқалган тури бўлиб одатда истемолчи корхоналарда 0,5 дан 10 цеклгача давом этади. Симларнинг осилиб туриши одатда бузилишга олиб келади масалан; бир чизиқли туташув ер билан (LG ЛЕ), линиялар ўртасида (LL ЛЛ), икки линияли ер билан туташув (LLG ЛЛЕ), уч фазали (LLL ЛЛЛ) ва уч фаза ер билан туташув (LLL ЛЛЛ) каби қисқа туташувдаги носозликлар билан боғлиқ[1,4].

Кучланишнинг кўтарилиши энергетика тизимдаги қисқа туташувлар билан ҳам боғлиқ. Ерга линия тушганда бузилиш содир бўлади ва қисқа туташув бўлган фазада буртиш ҳосил бўлади, буртишлар эса фазаларда узилишларсиз ҳосил бўлади. Буртишлар асосан катта юкламада ўчирганда ёки катта конденсатор батарияларни манбага улаганда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Тармоқдаги кучланишининг бир дақиқадан кўп бўлмаган вақт давомида ўйқ бўлиши ёки йўқолиши узилиш деб аталади. Тармоқдаги кучланиш номинал қийматидан 10% гача камайиши кузатиладиган жараён. Бунинг натижасида асосан электр таъминоти тармоғидаги ва тизимидағи носозликлар, ускуналарнинг ишдан чиқиши ҳамда бошқарув функцияларини узилишларига олиб келади[3,4].

Гармоникалар – бу ток ёки кучланишнинг носинусоидалиги бўлиб асосий частотасидан (50-60 Гц) каттароқ бўлганда. Гармоникалар асосан ўзгартиргичлар ва инверторлар ҳамда бошқа статик энергия ўзгартиргич ускуналари каби начирикли юкламалардан келиб чиқади.

Энергетика тизимида бир лаҳзада бўлиб ўтадиган жараёнларга ўткинчи жараёнлар дейилади. Ўткинчи жараёнларни иккига ажralади, яний импулсли ва тебранувчига бўлиш мумкин. Ўткинчи жараёнлар катта юкламаларни ўчириш ва ёкиш вақтида, конденсатор батарияларни ёкишда, трансформаторларни тармоққа улашда юзага келадиган жараёнларга тебранишли ўткинчи жараёнлар дейилади. Ўткинчи жараёнлар одатда чақмоқ уриши натижасида кутарилиб тушиши ёки импулсларни ўзгарилишида вужудга келади.

Мунтазам ва тез тез юкламаларнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган кучланиш оғиш ўзгаришларига кучланишни тебраниши дейилади. Кучланишнинг тебраниши бу – электромагнит ҳодиса бўлиб, тебраниш эса баъзи юкламаларда кучланиш ўзгаришининг исталмаган ҳосиласидир. Бу атамалар бир маъно касб этади. Ёйли печларда электр энергиясини тақсимлаш ва тармоққа узатишда кучланиш тебраниши кенг тарқалганлиги сабаблидир[8].

Ассий частотани белгиланган номинал қийматидан оғиши (60 ёки 50 Гц ўзгарганда) тармоқ частотасини оғиши дейилади. Энергия тизимининг частотаси ( $f$ ) тўғридан – тўғри синхрон генераторларнинг айланиш тезлигига  $N_s$  жуфт қутиблар ( $P$ ) сонига яний  $N_s = 120 \frac{f}{P}$  боғлиқ. Юкламалар ва генерация ўртасидаги номувофиқлик туфайли озгина частотанинг ўзгариши мавжуд. Тармоқ частотасининг ўзгариши бутун тармоқда носозликларга сабаб бўлиши, катта юклама блокларини учирини ёки йирикроқ манбасининг тармоқдан узилиши натижасида юзага келади.



1 жадвалда ЭЭСК бузилишларининг математик модели.

1 жадвал

Бузилишлар	Тенгламалар	Текширув параметрлари
<b>Синусоидал</b>	$y(t) = A \sin(t\omega)$	$\omega = 2\pi f$
<b>Буртишлари</b>	$y(t) = A \left(1 - \alpha(u(t-t_1) - u(t-t_2))\right) \sin(t\omega)$	$0.1 \leq \alpha \leq 0.9:$ $T \leq t_2 - t_1 \leq 9T:$
<b>Шишишлари</b>	$y(t) = A \left(1 + \alpha(u(t-t_1) - u(t-t_2))\right) \sin(t\omega)$	$0.1 \leq \alpha \leq 0.9:$ $T \leq t_2 - t_1 \leq 9T:$
<b>Узилишлари</b>	$y(t) = A \left(1 - \alpha(u(t-t_1) - u(t-t_2))\right) \sin(t\omega)$	$0.9 \leq \alpha \leq 1:$ $T \leq t_2 - t_1 \leq 9T:$
<b>Гармоникалар</b>	$y(t) = \alpha_1 \sin(\omega t) + \alpha_3 \sin^{(3\omega t)}$ $y(t) = +\alpha_5 \sin(5\omega t) + \alpha_7 \sin^{(7\omega t)}$	$0.05 \leq \alpha_3 \leq 0.15:$ $0.05 \leq \alpha_5 \leq 0.15:$ $0.05 \leq \alpha_7 \leq 0.15:$ $\sum \alpha_i^2 = 1$
<b>Ўткинчи жараёнларда тебраниши</b>	$y(t) = A [\sin(\omega t) + \alpha^{-(t-t_1/\tau)} \sin \omega_n (t-t_1)(u(t_2) - u(t_1))]$	$0.1 \leq \alpha \leq 0.8:$ $0.5T \leq t_2 - t_1 \leq 3T:$ $8ms \leq \tau \leq 40ms:$ $300 \leq f_n \leq 900 \text{ Гц:}$

1) Реал вақт давомида ЭЭСК параметрик тенгламаларини қўлда олиш қийин, сигналларини симуляция қилинади. ЭЭСК бузилишларини ўрганишда сигналларнинг бузилишлари уларни кейинги таҳлил қилиш учун моделлаштириш орқали юзага келади. Ушбу мақоланинг 1 жадвалида келтирилганидек олти турдаги бузилишлар келтирилган. ЭЭСК бузилиши осонгина ҳосил бўлади ва ҳақиқий ҳолатга жуда ўхшаш кўринади[9,10].

Тенглама параметридан фойдаланишнинг баязи бир авзаликлари бор масалан, сигнал параметрларини кенг диапазонда ва бошқариладиган тарзда ўзгартириш мумкин. Жуда кўп микдорда наъмуна олиш мумкин. Математик моделлар тамонидан ишлаб чиқарилган сигналлардан уларнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаш учун электр энергияси сифатининг бузилишини таснифлашда осонгина фойдаланиш мумкин.



**1 расм. Электр энергиясини тақсимлаш модели а, симулинк диаграммаси б.**



**2 расм ЭЭСК осцелограммада четга чиқиши.**

ЭЭСК бузилишлари 1 расмда кўрсатилгандек электр энергиясини тақсимлаш тизимиning синов моделини кўриб чиқиш орқали моделлаштирилади. Синов модели хақиқий электр энергиясини тақсимлаш тизимиға жуда ухшаш. Моделлаштириш вақтида кўплаб амалий тахминлар

хисобга олинади. Электр энергияни тарқатиш тизимининг модели кучланиши 25 кВ, қуввати 50 МВА, тўла қаршилиги  $Z_c$ , 20 кмли тарқатиш линиясидан, уланиш гурухи “учбурчак/юлдузча” бўлган пасайтирувчи трансформатор ва номинал юкламадан ташкил топган. Қуввати 10 МВА трансформатори нормал ишлаши (1МВА RL юкламали) ва ночизиқли (130 В ли бошқариладиган ўзгартиргичли) юкламаларни уланиш нуқтасига - В3 шина привод орқали боғланилади. Шина юкламаси В3 шунингдек реактив қувватни қоплаш учун конденсатор батарияси (0,8 МВА) билан ўрнатилган бўлиб асосий вақт режимида бўлгани каби тебранувчи уткинчи жараёнларни келтириб чиқарадиган конденсатор батариясининг ўзаришини тақлид қиласиди. Тарқатиш тармоғига катта юкламалар уланган. 20 км тарқатиш линиясида юзага келганда, фаза кучланишининг пасайишига, узилишларга ва кучланишнинг сакрашига олиб келади[10].

Тарқатиш тизимининг синовли модели *SimPowerSystem* ва *Simulink Blockset MATLAB* дастурида моделлаштирилган бўлиб булар 1 расмда кўрсатилган. Модел тизимидағи бузилишлар, катта юкламалар, қўшилишлар ва ночизиқли юкламалар туфайли электр тармоғидаги турли хил ЭЭСК бузилишларини ўрганиш учун ишлатилади.

ЭЭСК бузилиш сигнал шакилларининг математик моделлари, шунингдек MATLAB/Simulink дастурий таъминотидаги қувват тақсимотининг тест синов модели ёрдамида олинади. Намуна олиш частотаси ва асосий частотаси иккала ҳолатда ҳам мос равищда 10 кГц ва 50 кГц деб ҳисобланади4,5,6.

ЭЭСК бузилишлари MATLAB/Simulink дастуридаги параметрик тенгламалар ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳар бир сигнал шакли нормаллаштирилган қиймати 1,0 асосий бирлиги ва 50 Гц частотага эга. ЭЭСК кўриб чиқилаётган сигналларнинг намуна олиш частотаси давомийлиги 10 кГц яний амалга ошириш учун ҳар бир давр 200 га тенг. Кўриб чиқилаётган сигналларнинг умумий давомийлиги 10 цикли ташкил қиласиди. Келтирилган 2 расмда параметрик тенгламалар натижасида ҳосил қилинган ЭЭСК бузилиш сигналларининг тўлқин шакилларининг ҳар хил турлари кўрсатилган.

Автоматик таснифлаш алгоритмини қўллаш учун ўқув ва синов наъмуналари сифатида 0,1 дан 0,9 бирлик катталиқдаги яний 1 дан 10 циклгача кучланишнинг турли наъмуналарини яратиш мумкин. Шундай кучланишнинг кутарилиши наъмуналари 1,1 дан 1, 8 гача бўлган катталик билан яратилиши мумкин. Ҳар қандай вақтда кучланишнинг катталиги 0,дан пастга тушганда узилиш яратилиши мумкин. Ҳақиқий гармоникаларни симуляция қилиш учун 2, 3, 5, ва 7 тартибдаги гармоника ташкил этувчиларни ҳар хил комбиницияларда частоталар 5% дан 15% гача ўзгариб туради. Қўйи частотали ўткинчи жараёнда


300 Гц дан 900 Гц гача бўлган вақтингчалик частота диапазони билан симуляция қилинади.

Баъзи жиҳатларда тенгламалардан фойдаланган ҳолда ЭЭСК сигналларини моделлаштиришнинг турли афзаликлар мавжуд бўлиб уларни кент диапазонда ўзгартириб бошқариш мумкин. Тўдқин шаклининг параметрлари ўзгариш диапазони ҳақиқий сифат қўрсаткич сигналларига жуда ўхшаш[7,9].

## НАТИЖАЛАР.


Ушбу қисмда ЭЭСК тебраниб бузилишларининг симулинк моделлари ёрдамида 1 – расмда қўрсатилгандек масалан қисқа туташувлар, катта юкламалар, конденсатор батариялар ва ночизиқли юкламалар, турли хилдаги юклама ва носозликларни қўллаш орқали симуляцион моделлаштирилади.

Хар бир ЭЭСК сигнали 10 циклдан ва 10 кГц дискрет частотасидан иборат. Тармоқ кучланиши 25 кВ 50 Гцли эквивалент схемаси 1 – расмда келтирилгандир. Бунда электр энергиясини узатиш линияси 20 км масофага тенглаштирилган модел келтирилди. ЭЭСК бузилиш юкламалари охирига шина В3 ўрнатилади. В1 шинасида бир фазали ер билан қисқа туташувлар кучланишнинг пасайиши ва узилишларга олиб келади.






**3-расм. Күчланишни тушуви туфайли бир фазали ер билан қисқа туташув**





**4-расм. Күчланишни сакраши ва тушуви түфайли линиялар орасида қисқа туташув**



**5-расм. Күчланишни кескин күтарилиши ва катта юклама эвазига унинг бузилиши.**



**6-расм. Конденсаторни улаш сабабли бўладиган ўткинчи жараёнлари.**

Ўзгарувчан юкламалар, ночизиқли юклама ва конденсатор батариялар В3 шина приводга уланган. Ўзгарувчан юкламалар милтиллаш ва кучланиш тебранишини келтириб чиқаради. Ночизиқли юкламалар худди гармоникалар каби стационар бузилишларни келтириб чиқоради. Барча бузилишлар учун симуляцион модельлаштириш вақти 0,2 с (10 цекл) га тенг бўлади.

ЭЭСБ га қисқа туташувлар, катта қувватли асиҳрон маторларни ишга тушириш, электр энергияни тақсимлаш тизимида кучланишни пасайиши каби бузилишларни юзага келтиради. З расмда В Зшинадаги уч фазали кучланиш қўрсатилган. Кучланишнинг тушиши А-фазада содир бўлади ва бир фазали ер билан туташади[4,5,9,10].

## ХУЛОСА.

ЭЭС бузилиш сигналлари MATLAB/Simulink дастури тамонидан таъминланади. Помехлар сигнал шаклида ҳар хил қийматларда вақт бирлиги ичida турли шаклдаги сигналларни қийматлар билан ҳосил бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам кўриб чиқилаётган частотанинг бузилиши 10 кГц ни ташкил қиласди. Симуляция усули тадқиқотчилирга MATLAB/Simulink дастурида турли хил тармоқ блоклар тўпламларини йиғиш орқали ЭЭСК бузилишларини тадқиқ қилиш учун энергия тизимини моделини яратишни таминалайди. Бу ҳодиса

бизларга ЭЭСК бузилиши қандай тарқалиши ва электр тармоғининг моделлаштирилган моделида ўзи ҳақида тушунтиради. Симуляциянинг чеклови унинг танланган модели дастур имконятлари ва ЭЭСК бузилишини моделлаштириш учун электр тармоғининг мавжудлиги ва қуриш блокларига боғлиқдир.

ЭЭСК бузувчи математик моделлар ва MATLAB/Simulink мұхитида қурилған бўлиб электр энергиясининг тақсимлашни ҳақиқий модели ёрдамида олинган. Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики иккала усул тамонидан яратилған ЭЭСК бузувчиси жуда ўхшаш ва иккаласи ҳам ҳақиқий ЭЭСК бузувчисига ўхшайди. Математик моделлар ёки Simulink дастури ёрдамида яратилған моделлари ЭЭСК бузувчилари автоматик таснифлаш алгоритмларига қўллаш мумкин[1,2].

Ушбу ишнинг мақсади электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини иккала усулда лойиҳалаш ва таҳлил қилиш учун яхшироқ ёндашувни амалга оширишдан иборат эди. Бажарилған ушбу лойиҳа MATLAB/Simulink мұхитида вертуал моделни ишлаб чиқиш жараёнларида назарий ва амалий билимларни ошириш учун пойқадам вазифасини бажаради. Бундай олий мақсадли билимлар кончилик ва ишлаб чиқариш корхоналарда жуда муҳим ўрин эгаллайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

- [1] M. Bollen, "What is power quality," Electric Power Systems Research, vol. 66, pp. 5-14, 2003.
- [2] P. Janik and T. Lobos, "Automated classification of power-quality disturbances using SVM and RBF networks," Power Delivery, IEEE Transactions on, vol. 21, pp. 1663-1669, 2006.
- [3] R. C. Dugan, M. F. McGranaghan, and H. W. Beaty, Electrical power systems quality vol. 2: McGraw-Hill New York, 1996.
- [4] M. H. Bollen, Understanding power quality problems vol. 3: IEEE press New York, 2000.
- [5] A. Subasi, A. S. Yilmaz, and K. Tufan, "Detection of generated and measured transient power quality events using Teager Energy Operator," Energy Conversion and Management, vol. 52, pp. 1959-1967, Apr 2011.
- [6] Разработка технических решений по обеспечению качества рабочей жидкости обеспечивающие снижение износов оборудования  
<https://elibrary.ru/item.asp?id=26265399>
- [7] Analysis of dynamic and hardness parameters rotation and feeding systems of the drilling rig

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation\\_for\\_view=ju6XhuYAAAAAJ:d1gkVwhDpl0C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation_for_view=ju6XhuYAAAAAJ:d1gkVwhDpl0C)

[8] Бургилаш дастгохи айлантирувчи–ўзатувчи механизми ўзатишини гидравлик тизими, унинг унумдорлигига динамик жараёнларни таъсирини тадқиқоти ва тахлили

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation\\_for\\_view=ju6XhuYAAAAAJ:9yKSN-GCB0IC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation_for_view=ju6XhuYAAAAAJ:9yKSN-GCB0IC)

[9] Математическая модель тепловых процессов при работе многорежимных силовых регулирующих контуров гидрообъемных трансмиссий гидравлического экскаватора

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation\\_for\\_view=ju6XhuYAAAAAJ:IjCSPb-OGe4C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation_for_view=ju6XhuYAAAAAJ:IjCSPb-OGe4C)

[10] Математические уравнения в регулирующих контурах гидрообъемных трансмиссий гидравлического экскаватора

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation\\_for\\_view=ju6XhuYAAAAAJ:Y0pCki6q\\_DkC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ju6XhuYAAAAJ&citation_for_view=ju6XhuYAAAAAJ:Y0pCki6q_DkC)